

AHMAD DONISHNING EDUCATIONAL ISSUES AT NATURAL SCIENCES SCHOOL IN
"NAVODIR UL-WAKOE" ASAR

Муродалиева Шахнозаҳон Махмудовна
Осиё ҳалқаро университети магистранти

Наимов Исмат Нусратуллоевич
Илмий раҳбар

ABSTRACT

Such as raising the future generation's respect for our morally sound national values and the love for the Motherland are important issues of today's pedagogy.

In this article, the topic of educational issues in the field of natural sciences is presented in the work "Navadir ul-vakoe" by the great thinker of encyclopedic knowledge Ahmad Donish. The authors note that until today this topic has not been scientifically studied by researchers, this work of a great thinker analysed the scientific thoughts on education.

Keywords: Ahmad Donish, science, moon, sun, sky, nabotod, animal, mineral, miskal.

**АҲМАД ДОНИШНИНГ "НАВОДИР УЛ-ВАҶОЕ" АСАРИДА ТАБИИЙ ФАНЛАР
ЙЎНАЛИШИДА ТАРБИЯ МАСАЛАЛАРИ**

АННОТАЦИЯ

Келажак авлодни маънавий баркамол миллий қадриятларимизга ҳурмат Ватанга бўлган муҳаббатини юксалтириш каби масалалар бугунги педагогика фанининг долзаб масалалариdir.

Мазкур мақолада буюк мутафаккир қомусий билимлар сохиби Ахмад Донишнинг "Наводир ул вакое" асарида табиий фанлар йўналишида тарбия масалалари мавзуси илгари сурилган. Муаллифлар ушбу мавзу бугунги кунга қадар тадқиқотчилар томонидан илмий тадқиқ этилмагани, буюк мутафаккирнинг ушбу асари тарбияга оид илмий фикрларни таҳлил этиб берди.

Калит сўзлар: Аҳмад Дониш, табиий фанлар, ой қуёш, само, наботод, хайвонот, маъдан, мисқол.

АННОТАЦИЯ

Такие вопросы как уважение к будущему поколению наших нравственно зрелых воспитание любви к Родене национальных кадров являются важн проблемами современной педагогики.

В данной статье тема образовательных проблем в области естественных напреставлена в произведении Наводир ул-вакое великого мыслителя коллективного знания Ахмада Даниша. Автор отмечают что до сегодняшнего дня эта тема научно не изучались исследователями в этом труде великого мыслителя проанализированы научные мысли о воспитании

Ключевые слова: Ахмед Даниш, естественные науки, луна, солнца, небо, флора, животные, руда, мискаль.

КИРИШ

Буюк қомусий олим Ахмад Донишнинг ижодий фаолияти жуда хилмаҳил ва ранг-барангдир. Аллома ўз даврида мавжуд ҳамма фанларни пухта ўзлаштирган. Ахмад Донишнинг ижодидаги ажойиб хусусиятларидан бири ҳар бир асрида ўз даврининг хаётий ва фалсафий қарашларини ёритиб беради. Ана шу бебахо илмий меъросни янада теран тадқик этиш ва оммалаштиришга қаратилган саъй харакатларга янги туртки бериш, Шарқнинг улуғ алломалари томонидан амалга оширилган қашфиётлар замонавий илм-фан ва тараққиёт учун нақадар долзарб ва зарур эканини очиб беришнинг аҳамияти ҳам шунчалик муҳимдир

Аҳмад Дониш асарларида илмий теранлик табиатни ўрганишдаги амалий мулоҳазалар фалсафий таҳлилий мушоҳадалар меҳнаткаш инсонларнинг манфаати адолатли давлат бошқаруви аҳлоқий ва маънавий камолот ҳақида сўз юритади.

Мутафаккирнинг энг йирик асари “Наводир ул вақое” (“Нодир воеалар)да шарқ ҳалқларигагина хос булган янги маънавият ва маърифат ҳақида таълимотларни янги ғоялар билан бойитди.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДЛАРИ

Аҳмад Дониш шахсининг қомусийлиги турли соҳа вакилларининг эътиборида бўлиб, унинг фаолияти ва яратган асарларини ўрганишга доир қатор тадқиқотлар амалга оширилган. Бундай фаолият самараси ўлароқ вужудга келган илмий адабиётларни қўйидаги гуруҳларга ажратиб, таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ: 1) XIXаср охири – XX аср бошларига оид асарлар; 2) совет даврида олиб борилган тадқиқотлар; 3) мустақиллик даврида Ўзбекистонда нашр қилинган ишлар; 4) хорижий муаллифлар яратган тадқиқотлар.

НАТИЖАЛАР ВА МУҲОКАМА

XIX asr охири XX аср бошларида Бухорода рўй берган ижтимоий-сиёсий тузум маданий-маърифий ишлар манғит амирлигининг олиб борган сиёсалари рус босқини ҳақида муфассал маълумот берувчи маърифатпарвар шахслар жумласида Аҳмад Донишнинг ўрни катта бўлган. Ахмад Дониш нафақат ўз даврининг фаол жамоатчиси табиий илмлар соҳиби машҳур фалсафий тарихий асарлар муаллифи хамдир. Ахмад Донишнинг энг йирик ва машҳур асари “Наводир ул вақое” асари дидер.

Ахмад Дониш қомусий олим сифатида табиий фанларни пухта эгаллаганлигини унинг “Наводир ул вақое” асарида кўришимиз мумкин. Хусусан муаллиф асарда география, фалакиёт, геодезия, биология каби бир қатор табиий фанларга доир илмий қарашларини баён этган. Асарни тадқиқ этар эканмиз Аҳмад Донишнинг илмий қарашлари ва фаразлари муаллиф яшаётган даврдан илгарилаб кетганлигини гувоҳи бўламиз. Чор Россиясининг Ўрта Осиёга тазиики туфайли табиий фанларга эҳтиёж катта бўлсада, унга эътибор ва фанларнинг ривожланишига мустабид тузим тўсқинлик қиласар эди. Лекин Аҳмад Дониш ўз даврининг маърифатпарвари сифатида илғор ғоялари ва уйғоқ

фирклари билан табиий фанларни жамият тараққиёти учун муҳим омил эканлигиг дадил айта олди.

“Билмоқ керакки, гоҳида яшнаб, гоҳ вақтда бўзариб турган бу еримиз юқори ва қуий оламнинг марказидир. Фалаклар, Ой, Қуёш ва юлдузлар унинг атрофидан айланадилар. Тухум қобиғи жўжга чиқариш учун ичидаги мағзини асраганидек, ҳамма фалаклар уни асрар тарбия қиласида. Шунинг воситаси билан ер қорнида уч моволид, хайвонот, наботод, маъданият яратилади “. Муаллиф юкорида келтирган фирмларига кўра оламнинг яратилиши фалаклар, Ой, Қуёш ва юлдузлар ер ва самовий жисмлар ҳақида фирмлари бугунги кун ёшлари учун хам янги тасаввурлар уйғотади. Ҳозирги дунё ахлини таҳликага солаётган экологик муаммоларни Аҳмад Дониш ўз замонасидаёқ башорат қила олиши ҳайратланарли. Жамиятни ривожланиши инсонлар узоқ умр кўришлари учун энг аввало соғлом турмуш тарзига амал қилиш лозим. Аҳмад Донишнинг “ Наводир ул вакое” асарида овқатланиш одоби нафсни жиловлай олиш ҳақидаги фирмларни нафақат бугуннинг долзарб муаммоси балки келажак авлод миллат соғлиги учун хам даҳлдордир..” Одамнинг ошқозонига кўп бўлса, 200 мисқол ошу сув сифади. Ҳукамолар бир кечакундузда бир маротаба ейишга буюрадилар. Аммо табиблар хар ўн икки соатда, авомлар эса тўғри келган вақтда ейдилар. Агар одам бу қонунга бўйсунуб, 200 мисқол ошу сув ўлчовини яхши сақлар экан мижози ҳам мўътадил ҳолда бўлиб умри табиийга еткунча тани соғлик билан ўтади” . Аҳмад Дониш соғлом турмуш тарзи ҳақидаги илмий қарашлари бугунги кун тиббиётида ҳам ўз долзарблигини исботлади.

Хулоса қилиб айтганда, Аҳмад Дониш “ Наводир ул вакое “ асарини тўлиқ ҳолда тадқиқ этиш биз ўрганаётган мавзу доираси кенг камровли, табиий илмий мероси бугунги кун инсоният маънавий дунёқарашининг шаклланишида муҳим ахамиятга эгадир.

АДАБИЁТ ВА МАНБАЛАР РЎЙХАТИ

1. Аҳмад Дониш. “Наводирул вақое” (“Нодир воқеалар”). – Тошкент: Фан, 1964 й. – Б. 361. (Ahmad Donish. Navodirul vaqoe / Rare events. - Tashkent: Science, 1964. - P. 361.)
2. Naimov.I. A covereje of the activitiecs of the Mangitic Emirs in the works of Ahmad Donish // Internasional Journal on integrated Education.
3. -Indonesia, 2021.Vol.4.No.5.-P.36-45 (Impact Factor: SJIF 7.242).
4. Naimov.I. Isuues of religious tolerance in the work of Ahmad Donish “ Meyor-ul-tadayun”// International journal of Intellectual and Cultural Heritage.-Volume”Issue:02/2022. –P. 169-175.
5. Наимов. И. Мейёр-ут-тадоййун - диний-ахлоқий манба сифатида // Ислом зиёси-Тошкент, 2021. -№ 2.-Б. 46-54.
6. Аҳмад Дониш. Рисола ёхуд манғитлар хонадони салтанатининг қисқача тарихи. Таржима, изоҳлар ва кириш сўзи муаллифи Қ. Йўлдошев.-Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2014.–144 б. (Ahmed Donish. Risola or a brief history of the kingdom of the House of Mangits. The author of the translation, comments and introduction is Q.Yoldoshev.-Tashkent: "National Encyclopedia of Uzbekistan" State Scientific Publishing House, 2014. - 144 p.)
7. Жамолова Д. Домла Иқромнинг “Машхур бидъатлар баёни” асари ҳақида // Тарихнинг номаълум саҳифалари (Илмий мақолалар, хужжат ва материаллар, хотиралар). VIII

китоб. – Тошкент: Академнашр, 2018. – Б. 158- 192. (Jamolova D. About Domla Ikram's work "Statement of famous heresies" // Unknown pages of history (Scientific articles, documents and materials, memoirs).

8. Book VIII. - Tashkent: Akademnashr, 2018. - P. 158-192.)